

**ЦИТРУС ИНЛИ КУЯСИ (PHYLLOCNISTIS CITRELLA STAIN.)
ГА ҚАРШИ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ҚАРАНТИН ТАДБИРЛАР.**

**QUARANTINE MEASURES HAVE BEEN DEVELOPED AGAINST THE
CITRUS CODLING MOTH (PHYLLOCNISTIS CITRELLA STAIN.).**

Рахмонова М.К
к.х.ф.ф.д., дотцент
Кудратуллаев Р
.магистр
Андижон кишлок хужалиги ва
агротехнологиялар институти

Rakhmonova M.K.
Ph.D., Assistant Professor
Kudratullaev R
master
Andijan agriculture and
Institute of Agricultural Technologies

Аннотация; Кейинги йилларда республикамизда мева собзавотчилиқни ривожлантиришга алоҳимда эътибор берилиб қатор вазибалар белгилаб берилди. Иссиқхоналарда мева сабзавот экинларини етиштириш айниқса лимончилиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мева маҳсулотларини етиштиришда айниқса, етиштирилаётган лимон зарарунандаларини ўз вақтида аниқлаш, ривожланиш ва зарар келтириш даражасини аниқлаш ҳисобига самарали кураш чораларини белгилаш ниҳоятда муҳимдир.

Калит сўзлар; Зараркунанда дарахт лимон куя инли тутқич

Аннотация; В последующие годы развитию плодоовощеводства в нашей республике было уделено особое внимание и поставлен ряд задач. Особое внимание уделяется выращиванию плодоовощных культур в теплицах, особенно выращиванию лимона. При выращивании плодовой продукции чрезвычайно важно вовремя выявить вредителей лимона,

определить уровень развития и пораженности, определить эффективные меры борьбы.

Ключевые слова; Вредитель дерева – лимонная

Abstract; In subsequent years, special attention was paid to the development of fruit and vegetable growing in our republic and a number of tasks were set. Particular attention is paid to the cultivation of fruit and vegetable crops in greenhouses, especially the cultivation of lemon. When growing fruit products, it is extremely important to identify lemon pests in time, determine the level of development and infestation, and determine effective control measures.

Keywords; Tree pest – lemon

Кириш; Цитрус инли куяси (**Phyllocnistis citrella Stain.**) ни ривожланиш динамикасини ўрганиш. Илмий асосланган кураш тизимларини ишлаб чиқиш. Уйғунлашган кураш ва карантин тадбирлари муддатларини белгилаб ўз вақтида олиб бориш. Қарши кураш муддатларини аниқлаб, карантин тадбирларини ва курашни ўз вақтида қўллаш юқори иқтисодий самара беради.

Зараркунанда кўплаб тарқалган мамлакатлардан уруғ ва экиш учун мўлжалланган кўчатларни Ўзбекистонга келтириш ман этилади.

Куялар тарқалган худудлардан кўчатларни келтириш чегараланади. Цитрус ғовак ясар куяси тарқалган мамлакатлардаги дарахтзорлар керакли кимёвий препаратлар билан ишлов берилади.

Келтирилган цитрус кўчатлари зарарсизлантирилади ва интродукцион карантин кўчатзорига жойлаштирилади. Зарарланган барглар юлиб ташланади ва куйдирилади. Ёруғлик тутқичлар ёрдамида капалаклар тугилади. Селекция ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун олинган материаллар, интродукцион карантин кўчатзорларда қайта текширилиб, зараркунанда борлиги аниқланганда, улар йиғиб олиниб, зарарсизлантирилади ёки куйдирилади.

Цитрус уяли куяси пайдо бўлган хўжаликларда, аҳоли яшаш жойларида, туманларда карантин ҳолати эълон қилинади. Карантин ҳолати ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг тақдимномасига асосланиб, маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланади. Шу билан бирга зараркунанданинг пайдо бўлиш марказини аниқлаш ва уларни йўқотиш чоралари бўйича иш режалари тасдиқланади.

Карантин ҳолати тадбиқ этилган туман, хўжалик, аҳоли яшаш жойларидан цитрус ўсимликлари, шунингдек уяли куя ривожланувчи иссиқхона кўчатларини ташқарига олиб чиқиш ман этилади. Қишда дарахт кўчатларини, барглари тўккандан кейин фумигация камерасида бром метил ёрдамида ишлов берилгандан сунг карантин эълон қилинган ҳудуддан олиб чиқиб кетишга рухсат берилади.

Карантин ҳолати тадбиқ этилган хўжаликлар, аҳоли яшаш жойлари, туманлардан ўсимликлар ва кесилган гулларни бошқа туман, вилоятларга олиб чиқишга фақат ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг “Карантин сертификати” олингандагина рухсат этилади. Янги барпо этилаётган боғларга карантин инспекцияси билан келишилган ҳолда цитрус инли куяси билан зарарланмаган кўчатлар экилади.

Мева тугунларини шаклланиб ва тутиб қолиши учун ушбу ҳароратни ушлаш мақсадга мувофиқдир. Лимон ўз-ўзидан ва четдан чангланадиган ўсимлик бўлганлиги сабабли асалариларда фойдаланиш тугунчаларнинг кўпроқ ҳосил бўлишига ёрдам беради. Апрель охири май бошларида суткалик ўртача ҳарорат 22°C бўлганида меваларнинг шаклланиш босқичи бошланади ва июннинг биринчи ўн кунлигида ҳаво ҳарорати 25,4°C бўлганида тугайди.

Мева тугиши ва уларнинг ривожланиши учун биринчи ўн кунликда ҳаво 20-25°C гача қизиши ва нисбий намлик 70-80% бўлиши зарур. Бундай шароитда лимон ўсимлиги анча яхши гуллаб мўл ҳосил тугади. Ҳаво

куруқлиги ва ҳароратнинг кескин ошиши тугунларнинг кўплаб тўкилиб кетишига олиб келиши мумкин. Май-июнда ойларида лимон меваси тез ривожланади, кейин ўсиши бир оз секинлашади. Шу билан бирга, октябр ойигача пўсти сарғайгунча йириклашаверади. Ноябрь-декабрь бошларида мева пишиб, ноябрда лимон ўсимлиги тиним даврига киради. Ушбу даврда иссиқхона ва хандакда ҳарорат ўртача +8°C дан ошмаслиги керак.

Цитрус уяли куяси қайд этилган ҳар қандай ҳолатда ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг жойлардаги бўлимларига зудлик билан хабар қилиш лозим. Цитрус уяли куясига қарши зарарсизлантирилган ҳудуд уч йил мобайнида қайта аниқланмаса зарарланган ҳудуддан карантин олиб ташланади. Цитрус уяли куясига қарши карантин тадбирлар, уни утказишга умумий раҳбарлик ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан амалга оширилади. Ўрнатилган тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат ўсимликлар карантин давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади. Ўрнатилган тизимдаги тадбирларни ўз вақтида бажаришга жойлардаги корхона, муассаса, фермер хўжалик раҳбарлари, шу қаторда маҳаллий фуқаролар ҳам жавобгар бўлиб, улар қуйидагиларга мажбурдирлар:

а) цитрус уяли куясига қарши ўрнатилган карантин тадбирларини амалга ошириш учун хўжаликларнинг воситалари ва кучидан фойдаланиш:

б) цитрус уяли куясини ўз вақтида аниқлаш мақсадида ўсимликларни доимий текшириб туриш;

в) цитрус уяли куясини тарқалишини олдини олиш, уларни йўқ қилиш борасида ўрнатилган карантин тадбирларига қатъий риоя қилиш;

г) хўжалик кўчат етиштириб, уни бошқа хўжаликларга сотишга ихтисослашган бўлса, фумигация камераларга эга бўлиши, етиштирилган кўчатлар ва қаламчаларни жўнатишдан олдини зарарсизлантириши;

д) карантин ҳолати жорий қилинган хўжаликлардан ўсимлик маҳсулотларини карантин инспекциясининг рухсатсиз ташқарига олиб чиқиб кетмаслик;

е) жўнатилаётган кўчат ва маҳсулотларни тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиш.

Цитрус уяли куясига қарши кимёвий инсектицидлар синаб кўрилди. Энг самарали инсектоцид сифатида вертимек (абалон, пилармектин) қайд этилди – 0,5 л/га. У тўқима ичига сингиш хусусиятига эга бўлгани учун бу хашаротга қарши ҳозирча энг самарали бўлиб қолапти

Фойдаланилган адабиётлар

1. Доспехов Б.А. Методика Полевого Опыта. – Москва, 1985. – 351 С.
2. Мехнат, 1986. – С.123-131.
3. Колесников Б.А. Биологические Основы Размножения Растений. Плодоводство. – Москва, “Колос”, 1979. – С.170-190.
4. Рахмонова, М. К., & Шоимова, Д. (2022, October). МЕВАЛИ БОҒЛАРДА УЧРАЙДИГАН ЭНТОМОФАГЛАРНИНГ ДОМИНАНТ ТУРЛАРИНИНГ СИСТЕМАТИК ТАҲЛИЛИ. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 7, pp. 143-146).
5. Рахмонова, М. К., & Хамдамов, Ж. К. (2022). ҚУШҚЎНМАС (*SILYBUM MARIANUM*) ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ДОРИВОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ. *INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING*, 1(8), 637-640.